

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

“Микрокредитбанк” АТБ  
Бошқарув раисининг  
биринчи ўринбосари  
А. Хамидов

“ 17 ” “ О К Т А Б Р ” 2022 й.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик - тижорат банки Бош офиси маъмурий  
банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш  
бўйича**

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи:** “Микрокредитбанк” АТБ  
Тошкент - 2022 й.

# **I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **1. Умумий қоидалар**

**1.1.** Мазкур Танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**1.2.** Танлаш предмети: **“Микрокредитбанк” акциядорлик - тижорат банки Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш.**

**1.3.** Танлашнинг максимал қиймати *5 170 176 966 (беш миллиард бир юз етмиш миллион бир юз етмиш олти минг тўққиз юз олтмиш олтиш) сўмни ташкил қилади.*

**1.4.** Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юқори бўлмаслиги керак.

**1.5.** “Микрокредитбанк” акциядорлик - тижорат банки Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш бўйича ташкилотни аниқлаш мезонлари техник топшириқда келтирилган. Танлаш комиссияси йиғилиши шакли – электрон портал орқали.

## **2. Танлаш ташкилотчиси**

**2.1.** “Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда буюртмачи) ҳисобланади.

**2.2.** Иштирокчи билан мулоқот қилувчи шахс: Х. Тошпулатов

**2.3.** Телефон рақами: (+99871) 207 - 46 - 52 (1281).

**2.4.** Танлаш буюртмачи томонидан ташкил қилинган камида беш кишидан иборат таркибдаги танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.

**2.5.** Танлаш комиссияси буюртмачининг ишчи органи ҳисобланади.

**2.6.** Буюртмачининг манзили: индекс - 100096, Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уй.

## **3. Танлаш иштирокчилари**

**3.1.** Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидларини бажариш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ёки юридик шахслар харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (кейинги ўринларда –

иштирокчи) бўлиши мумкин (4.2-бандда келтирилган талабгорлар бундан мустасно).

#### **4. Танлаш шартлари**

**4.1.** Танлашда иштирок этиш учун, танлаш иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);

б) танлаш ҳужжатлари шартларига мувофиқ танлаш ҳужжатларини топшириш.

**4.2.** Қуйидагиларнинг танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- қайта ташкил қилиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган юридик шахслар;

- буюртмачи билан судда ёки ҳакамлик судида низолашган/низолашаётган шахслар;

- ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган шахслар;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд шахслар;

- оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва/ёки банк ҳисобварақларига эга бўлган шахслар (**2-илова**).

**4.3.** Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирор-бир танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки

хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;

- иштирокчи адолатсиз танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.

## **5. Танлаш тили**

**5.1.** Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида бўлиши керак.

**5.2.** Иштирокчи томонидан бошқа тилда тақдим қилинган ҳужжатларга давлат тилидаги ёки, Буюртмачи билан келишган ҳолда, рус тилидаги таржимаси илова қилиниши лозим.

## **6. Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**

**6.1.** Иштирокчилар танлаш ҳужжатларини ўз ичига олган ўз танлаш таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон кўринишда ўзларининг шахсий кабинетлари орқали кўрсатилган муддатдан кечиктирмай электрон порталдаги буюртмачининг шахсий кабинетига тақдим қилади.

**6.2.** Иштирокчилар ўз танлаш таклифларини махсус ахборот портали оператори томонидан белгиланган форматда тақдим этади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

**6.3.** Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштириши мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар таклиф бериш жараёнида бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан мос келиши шарт.

**6.4.** Танлаш иштирокчиси:

тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул ҳисобланади;

тақдим қилинган таклифни, бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

**6.5.** Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қуйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади:

хизматнинг номланиши;

хизмат кўрсатиш қиймати;

якуний сумма;

тўлов шартлари;

таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.к.

**6.6.** Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

**6.7.** Ишчи орган танлаш ҳужжатларининг ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилганлиги учун масъул ҳисобланади.

**6.8.** Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга муурожаат қилишга ҳақли.

**6.9.** Иштирокчи буюртмачига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров буюртмачига таклифлар берилиши яқунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни ичида танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

## **7. Танлаш таклифларини такдим қилиш муддатини узайтириш**

**7.1.** Зарур ҳолларда, буюртмачи Қонунда белгиланган тартибда танлаш таклифларини такдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига танлаш комиссияси қарорига кўра таклифларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

**7.2.** Танлаш таклифларини такдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади ва бошқа ОАВда эълон қилиниши мумкин.

## **8. Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш**

**8.1.** Зарур ҳолларда буюртмачи танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор танлаш таклифларини такдим қилиш муддати тугашидан камида уч кун аввал қабул қилиниши мумкин.

Танлаш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида товар (иш, хизматлар) ёки унинг тавсифи ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилганда танлаш ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади.

Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

## **9. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш мезонлари**

**9.1.** Иштирокчиларнинг танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлаш таклифларини бериш якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак. Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини

аниқлаш танлаш ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади (**1-илова**).

**9.2.** Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Танлаш таклифининг техник қисмининг миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган мезонларини (эксперт мезонларини) баҳолаш ҳамда бошқа иштирокчиларнинг танлаш таклифлари билан таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

**9.3.** Танлаш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

**9.4.** Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди;

икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил нарх таклиф қилган бўлса, танлаш таклифини барчадан олдин юборган иштирокчи ғолиб деб топилади.

**9.5.** Иштирокчилар томонидан берилган таклиф Қонун ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.

**9.6.** Таклифни берган иштирокчи Қонун ва танлаш ҳужжатлари

талабларига жавоб бермаса, ёки танлаш иштирокчисининг таклифи танлаш ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, танлаш комиссияси танлаш таклифини рад этади.

**9.7.** Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу сўров расмий равишда, ёзма шаклда танлаш иштирокчилари орасида ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирор-бир ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

**9.8.** Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топилади.

**9.9.** Танлашнинг резидент ва норезидент иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.

**9.10.** Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади, шунингдек баённома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида ундан кўчирма махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

**9.11.** Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомасидан кўчирма махсус ахборот порталида жойлаштирилгандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида буюртмачи танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.

## **10. Томонлар масъулияти ва махфийликка риоя қилиш**

**10.1.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида кўзда



тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:

харид комиссияси котиби келиб тушаётган танлаш таклифлари ҳисобини юритиш, уларнинг бутлиги ва махфийлигини таъминлаш учун;

комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлаш таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун;

шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган танлаш ғолиби.

## **11. Бошқа шартлар**

**11.1.** Қуйидаги ҳолларда харид комиссияси танлашни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаши мумкин:

танлашда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса;

таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни харид ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

**11.2.** Харид комиссияси томонидан танлаш бўлиб ўтмаган деб ҳисобланган ҳолларда Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиш ёхуд электрон дўкон ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

**11.3.** Танлаш ғолиби деб топилган иштирокчининг таклифи акцептигача буюртмачи исталган пайтда танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.

## **12. Шартомани тузиш**

**12.1.** Танлаш натижалари бўйича танлаш ғолиби билан шартнома тузилади. Шартномада танлаш ғолиби томонидан тақдим қилинган танлаш хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартлар акс эттирилиши лозим.

**12.2.** Харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.

**12.3.** Танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлаш ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## II. ТЕХНИК ШАРТЛАР:

### “Микрокредитбанк” акциядорлик - тижорат банки Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш юзасидан ТАЛАБЛАР

Т/р	Иштирокчилар учун талаблар	Талаблар қиймати
1.	Тегишли гувоҳномага эга бўлиши лозим.	Матнли
2.	Корхона тўғрисида умумий маълумот бериши керак.	Матнли
3.	Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга бўлиши лозим.	Матнли
4.	Корхонага нисбатан банкротлик таомили киритилмаган бўлиши лозим.	Матнли
5.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги лозим.	Матнли
6.	Асосий ҳисобрақами мавжуд банкдан ҳужжатларни тақдим этиш санасига ҳисобрақамига тақиқ қўйилмаганлиги ва ҳисобрақами ҳаракатда эканлиги бўйича маълумот бериши лозим.	Матнли
7.	“Микрокредитбанк” АТБга мулкӣ муносабат орқали боғлиқ бўлмаслиги лозим.	Матнли
8.	Иш тажрибаси 10 (ўн) йилдан кам бўлмаслиги керак.	Матнли
9.	Иштирокчи ташкилотнинг ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассисларга эга бўлган доимий ишчилар сони 50 тадан кам бўлмаган ташкилотлар.	Матнли
10.	Иштирокчи ташкилотнинг ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур ресурсларга эга бўлган ташкилотлар.	Матнли
11.	Ташкилотлар камида 5 (беш) та давлат ташкилотларида қурилиш монтаж ишларини бажарган бўлиши керак.	Матнли
12.	ISO 9001, ISO 45001, ISO 14001 сертификатларига эга бўлиши керак.	Матнли
13.	Иштирокчи қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингида кўрсаткичи “ССС”дан кам бўлмаслиги керак.	Матнли

**“Микрокредитбанк” АТБнинг Харид комиссияси томонидан  
танлаш иштирокчиларига қўйилган  
баҳолар**

Т/р	Талаб номи	Иштирокчиларга қўйилган баллар			Комиссия аъзолари							
		1- иштирокчи	2- иштирокчи	3- иштирокчи	Комиссия раиси	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзоси	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
...												
...												
...												

**Танлашнинг техник-малака қисми - 90 %  
Танлашнинг нарх қисми - 10 %**

### III. НАРХГА ОИД ҚИСМИ

#### 1. Танлаш нархи:

№	Ишнинг номланиши	Асосий воситалар сони	Энг юқори нархи	Бажариш муддати
1.	“Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш		5 170 176 966 сўм ҚҚС билан	150 иш куни

1. Молиялаштириш манбаи: “Микрокредитбанк” АТБнинг ўз маблағлари.
2. Тўлов шартлари: 30 фоизи олдиндан тўланади, қолган қисми иш бажаргандан сўнг ишларни қабул қилиш далолатномаси асосида.
3. Тўлов валютаси: сўм.
4. Танлаш савдолари муддати: 5 иш куни

**Ишларни бошқариш  
департаменти директори**



**О. Мирсаатов**

**Харидлар бўлими бошлиғи**



**С. Саламов**

**Юридик департамент директори**



**М. Пулатова**

## Иштирокчилар ва Танлаш таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

Иштирокчиларни танлашда иштирок этиш учун танлаш тартиби ва мезонлари.

Талаб қилинаётган маълумот иштирокчи томонидан такдим қилинмаган бўлса, танлаш комиссияси уни танлашда иштирок этишига рухсат бермасликка ҳақли.

### 1. Баҳолаш мезонлари.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Тегишли гувоҳномага эга бўлиши лозим.	<b>Ҳа /Йўқ</b>	Йўқ бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
2	Корхона тўғрисида умумий маълумот бериши керак.	<b>Ҳа /Йўқ</b>	Йўқ бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
3	Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга бўлиши лозим.	<b>Ҳа / Йўқ</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида берилади</i> )	Йўқ бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
4	Корхонага нисбатан банкротлик таомили киритилмаган бўлиши лозим.	<b>Ҳа / Йўқ</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида ҳамда ўрганишлар натижаси бўйича</i> )	Ҳа бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
5	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги лозим.	<b>Қарздор / Қарздор эмас</b> ( <i>Солиқдан олинadиган қарздорлиги бўйича маълумотнома ёки иштирокчининг кафолат хати асосида ҳамда ўрганишлар натижаси бўйича</i> )	Қарздор бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.
6	Асосий ҳисобрақами мавжуд банкдан ҳужжатларни такдим этиш санасига ҳисобрақамига тақиқ қўйилмаганлиги ва ҳисобрақами ҳаракатда эканлиги бўйича маълумот бериши лозим.	<b>Тақиқда / Тақиқда эмас</b> ( <i>Банкдан олинadиган қарздорлиги бўйича маълумотнома хати асосида</i> )	Тақиқда бўлса, комиссия иштирокчини дисквалификация қилишга ҳақли.
7	“Микрокредитбанк” АТБга мулкый муносабат орқали боғлиқ бўлмаслиги лозим.	<b>Боғлиқ / Боғлиқ эмас</b> ( <i>иштирокчининг кафолат хати асосида берилади</i> )	Боғлиқ бўлса, иштирокчи дисквалификация қилинади.

**Имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва худудлар (оффшор худудлар)**

**РЎЙХАТИ**

- |   |                                |
|---|--------------------------------|
| 1. Американкое Самоа                                      | 35. Маврикий                   |
| 2. Ангилья  | 36. Остров Мадейра             |
| 3. Андорра  | 37. Макао-Аомынь               |
| 4. Антигуа и Барбуда                                      | 38. Мальдивы                   |
| 5. Аруба  | 39. Мальта                     |
| 6. Содружество Багамских островов                         | 40. Маршалловы Острова         |
| 7. Барбадос   | 41. Монако                     |
| 8. Белиз  | 42. Монтсеррат                 |
| 9. Бермудские о-ва  | 43. Остров Мэн                 |
| 10. Британская территория в Индийском океане (о-ва Чагос) | 44. Науру                      |
| 11. Бруней-Дросселем                                      | 45. Нидерландские Антилы       |
| 12. Штат Вайоминг   | 46. Ниуэ                       |
| 13. Вануату   | 47. Нормандский остров Гериси  |
| 14. Виргинские о-ва                                       | 48. Нормандский остров Джерси  |
| 15. Британские Виргинские острова                         | 49. Нормандский остров Олдерни |
| 16. Гватемала   | 50. Нормандский остров Сарк    |
| 17. Гибралтар   | 51. Палау                      |
| 18. Гонконг-Сянган  | 52. Панама                     |
| 19. Гренада   | 53. Питкэрн                    |
| 20. Штат Делавэр  | 54. Пуэрто-Рико                |
| 21. Доминика  | 55. Самоа                      |
| 22. Доминиканская Республика                              | 56. Санмарино                  |
| 23. Юж. Георгия и Юж. Сандвичевы о-ва                     | 57. Острова Сейшелы            |
| 24. Джибути   | 58. Сен-Мартен (Синт-Мартен)   |
| 25. Кайман  | 59. Сент-Винсент и Гренадины   |
| 26. Острова Кергелен                                      | 60. Сент-Кигс и Невис          |
| 27. Кипр  | 61. Сент-Люсия                 |
| 28. Кирибати  | 62. Терке и Кайкос             |
| 29. Коста-Рика  | 63. Тонга                      |
| 30. Острова Кука  | 64. Уругвай                    |
| 31. Лабуан  | 65. Фиджи                      |
| 32. Либерия   | 66. Филиппины                  |
| 33. Ливан   | 67. Французская Полинезия      |
| 34. Лихтенштейн   | 68. Шри Ланка                  |
|   | 69. Ямайка                     |

## **Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!!!**

### **“Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш бўйича танлаш**

#### **савдоларини эълон қилади.**

Танлаш савдоларида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар, жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

**1.** Буюртмачи: “Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси.

Буюртмачининг манзили: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 - уй

Телефон: 71 207 - 46 - 51 (1281)

E-mail: x.toshpulatov@mkb.uz

**2.** Танлаш мавзуси: **“Микрокредитбанк” акциядорлик - тижорат банки Бош офиси маъмурий банк биносининг учинчи қаватини капитал таъмирлаш.**

**3.** Танлаш суммаси: 5 170 176 966 сўм ҚҚС билан.

**4.** Молиялаштириш манбаи: Буюртмачининг ўз маблағлари.

**5.** Тўлов: Махаллий иштирокчилар учун: Сўм.

Чет эл иштирокчилари ва ишлаб чиқарувчилари учун: АҚШ долл., Евро, Россия рубили.

**6.** Танлаш таклифларини расмийлаштириш тартиб тамойиллари Танлаш хужжатида кўрсатиб ўтилган.

**7.** Талабгор буюртмачига расмий хужжатларда Танлаш хужжатларига аниқлик киритиш тўғрисида сўров юборишга ҳақлидир. Белгиланган сўров олинган кундан бошлаб икки иш кун ичида Буюртмачи, агар кўрсатилган сўров олинган бўлса белгиланган шаклда тушунтиришлар юбориши шарт.

**8.** Иштирокчининг таклифи корxonанинг махсус бланкасида раҳбарнинг имзоси ва мухри билан расмийлаштирилиши керак.

**9.** Қўшимча маълумот учун қўйидаги рақамларга мурожаат қилишингиз мумкин: 71 207-46-51 (1281) Х. Тошпулатов